

ОДАМ САВДОСИГА ҚАРШИ КУРАШИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ТАШКИЛИЙ – ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ.

Шоимов Норқобил Бобомуродович

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Малака ошириш институти катта
ўқитувчиси, юридик фанлар номзоди, доцент
<https://doi.org/10.5281/zenodo.12619250>

Одам савдоси XXI асрда терроризм, наркотрафик каби глобал муоммога айланиб, бутун дунё бўйлаб кенг тарқалган жиноятлардан бирига айланиб улгурди. Шу сабабли бу жиноят миллий қонунчилик доирасидан аллақачон четга чиқиб халқаро ҳуқуқнинг долзарб масалалари ичидан ўрин олди.

Шунинг учун ҳам, мамлакатимизда одам савдосига қарши курашишнинг ўзига хос миллий тизими яратилди. Жумладан, миллий қонунчилик нормалари такомиллаштирилиб, одам савдосига қарши курашиш бўйича республика ва ҳудудий идоралараро комиссиялар, одам савдоси жабрдийдаларига ёрдам бериш ва уларни ҳимоя қилиш бўйича республика реабилитация маркази, ички ишлар органлари таркибида одам савдосига қарши курашиш ва унинг профилактикасига оид тузилмалар ташкил этилди.

Одам савдосига қарши курашнинг ҳуқуқий асоси сифатида, Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 17 августдаги “Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида”ги ЎРҚ-633-сонли янги таҳрирдаги қонунининг 3-моддасида берилган асосий тушунчалардан бири бу – одам савдоси бўлиб, унга асосан, **одам савдоси** — куч билан таҳдид қилиш ёки куч ишлатиш ёхуд мажбурлашнинг бошқа шаклларида фойдаланиш, ўғирлаш, фирибгарлик, алдаш, ҳокимиятни суиистеъмол қилиш ёки вазиятнинг қалтислигидан фойдаланиш орқали ёхуд бошқа шахсни назорат қилувчи шахснинг розилигини олиш учун тўловлар ёки манфаатдор этиш эвазига оғдириб олиш йўли билан одамлардан фойдаланиш мақсадида уларни ёллаш, ташиш, топшириш, яшириш ёки қабул қилиш. Одамлардан фойдаланиш бошқа шахсларнинг фоҳишалигидан фойдаланишни ёки улардан шахвоний фойдаланишнинг ўзга шакллари, мажбурий меҳнатни ёки хизматларни, қулликни ёхуд қулликка ўхшаш одатларни, эркисизлик ҳолатини ёхуд инсон аъзоларини ва (ёки) тўқималарини олишни





англатади.¹

Мазкур жиноятга қарши курашишда, жаҳонда одамларга нисбатан қонунга хилоф битимни амалга ошириш, ғайриқонуний фаолият билан шуғулланишга мажбурлаш сингари одам савдосининг янги шакллари учун жавобгарлик белгилаш, жабрланган ожиз аҳволдаги шахслар, ҳомиладор аёллар ва болаларнинг манфаатларини жиноят-ҳуқуқий воситалар орқали муҳофаза қилишни кучайтириш, жиноятни фош этишда фаол ҳамкорлик қилганларнинг жазосини енгиллаштириш, мажбурлаш остида ғайриқонуний фаолиятда иштирок этган жабрланганларни жазодан озод қилиш, етказилган зарарни ундириш, жиноят профилактикаси механизмлари, хорижий давлатлар қонунчилиги, халқаро ҳуқуқ нормалари, миллий қонун ҳужжатлари ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти билан боғлиқ муаммоларнинг илмий ечимини топиш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Бугунги кунда одам савдосининг ўсиши, уларни уюшган гуруҳлар, жиноий уюшмалар томонидан ўзаро тил бириктирилган ҳолда содир қилиш ҳоллари кўпаймоқда. Жиноят ишлари бўйича судлар томонидан кўрилган ишлар бўйича ҳукмларнинг таҳлили, одам савдоси иштирокчиликлнинг қуйидаги: оддий иштирокчилик - 15%, мураккаб иштирокчилик - 45%; уюшган гуруҳ томонидан - 25%; жиноий уюшма томонидан - 15% содир этилганлигини кўрсатади.

Дарҳақиқат, одам савдоси соҳасидаги жиноятларга жазо тайинлаш, ушбу жиноятчиликни келиб чиқишига сабаб бўладиган барча салбий ҳолатлар ва уларнинг виктимлигини олдини олиш лозимдир. Маълумки, жиноят учун жазо бергандан кўра, унинг олдини олган маъқуллиги умумэътироф этилган. Бу - ҳар қандай ижобий қонунчиликнинг бош вазифасидир. Одам савдоси жинояти ва жиноятларни олдини олиш масалалари ИИБ, ДХХ, адлия, прокуратура, суд, солиқ, божхона, чегара хизматлари ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари, шунингдек жамоат ташкилотларининг жамоат тартибини сақлаш ва жиноятчиликка қарши кураш бўйича муайян вазифаларни бажарувчи вакиллари томонидан амалга оширилади.

Одам савдоси билан боғлиқ жиноятлар салбий ижтимоий иллат ҳисобланиб, уларнинг олдини олиш ва уларга қарши курашни ташкил этишнинг ташкилий – ҳуқуқий асосларини таҳлил қилиш ҳамда профилактик чора-тадбирларни белгилаш мақсадга мувофиқдир.

¹ Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 18.08.2020 й., 03/20/633/1187-сон; Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон, 24.06.2022 й., 03/22/780/0560-сон.



Одам савдоси жиноятининг олдини олиш ва ва унга қарши курашишни ташкил этишнинг ташкилий – ҳуқуқий асосларини таҳлил қилиш бўйича фаолиятни тартибга солувчи асосий ҳуқуқий манба одам савдоси жинояти учун жавобгарлик назарда тутилган Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексининг 135-моддасидир. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 17 августдаги янги таҳрирдаги “Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида”ги ЎРҚ-633-сонли қонундир.

Мазкур қонуннинг 18-моддасида мустаҳкамланган нормалар талабларидан келиб чиққан ҳолда, одам савдосининг олдини олишга доир чора-тадбирлар қуйидагиларни ўз ичига олади:

фуқароларнинг одам савдосидан жабрланишининг олдини олишга, уларнинг ҳимоясиз ва хавф остида қолишига сабаб бўлган ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этишга қаратилган дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишни;

одам савдосига қарши курашиш соҳасидаги муаммоларни аниқлаш ва ушбу муаммоларнинг ечимларини ишлаб чиқиш мақсадида мазкур соҳадаги фаолиятнинг доимий мониторингини амалга оширишни;

одам савдосидан жабрланганлар тушиб қолиши мумкин бўлган хавфли вазиятлар ҳақида, давлат ҳамда одам савдосидан жабрланганларга ёрдам кўрсатиш ва уларни ҳимоя қилиш бўйича ихтисослаштирилган муассасалар томонидан тақдим этиладиган ҳимоя чоралари тўғрисида, одам савдосига қарши курашиш учун давлат томонидан кўриладиган жиноий ва маъмурий таъсир чоралари ҳақида жамиятнинг хабардорлигини оширишни;

туристик фаолиятни, шунингдек аҳолини иш билан таъминлашга оид фаолиятни амалга оширувчи юридик шахслар фаолиятига доир талабларни белгилашни;

Ўзбекистон Республикасининг давлат таълим муассасаларида ва нодавлат таълим ташкилотларида одам савдосига қарши курашиш соҳасидаги таълим дастурларини ишлаб чиқишни ва амалга оширишни;

одам савдосига қарши курашишга доир фаолиятни амалга оширувчи давлат органлари ходимларини касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш чораларини кўришни.

Одам савдосининг олдини олиш қонунчиликка мувофиқ бошқа чора-тадбирларни ҳам ўз ичига олиши мумкин.

Қонуннинг 19-моддасида эса, маълумотларнинг ягона ахборот базаси қайд этилиб, одам савдосига қарши самарали курашишни таъминлаш,



одам савдоси билан шуғулланувчи шахсларнинг жиноий фаолиятини аниқлаш ва унга чек қўйиш, одам савдосидан жабрланганларни идентификация қилиш ҳамда тегишли ахборотни тизимлаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги бошқа давлат органлари билан биргаликда одам савдоси соҳасидаги жиноятлар тўғрисидаги маълумотларнинг ягона ахборот базаси (бундан буён матнда маълумотлар базаси деб юритилади) яратилишини ташкил этади.

Маълумотлар базасига:

давлат органларидан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан, нодавлат нотижорат ташкилотларидан ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларидан;

тезкор-қидирув тадбирларини, терговга қадар текширувни, дастлабки терговни ва суд муҳокамасини амалга ошириш натижасида;

Интерполнинг Ўзбекистон Республикасидаги Миллий марказий бюросидан;

тезкор алоқа, ишонч телефонлари орқали ва бошқа манбалардан олинган ахборот киритилади.

Маълумотлар базасига қуйидагилар тўғрисидаги ахборот киритилади:

одам савдоси билан шуғулланувчи шахслар ҳақидаги;

одам савдосидан жабрланганлар, одам савдосидан жабрланган деб тахмин қилинаётганлар тўғрисидаги ахборот — аёллар ва болалар ҳақидаги ахборот алоҳида ажратилган ҳолда, шунингдек уларга кўрсатилган ёрдам натижалари ҳақидаги;

фойдаланиш турлари, жиноят содир этиш усуллари тўғрисидаги ва бошқа ахборот.

Маълумотлар базасига киритилган ахборот махфийдир.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонуни¹ ҳам одам савдосига қарши курашни ташкилий – ҳуқуқий асослари сифатида муҳим аҳамиятга эгадир.

¹ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 20-сон, 221-модда; 2015 й., 32-сон, 425-модда; 2016 й., 52-сон, 597-модда; 2017 й., 37-сон, 978-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 05.01.2018 й., 03/18/456/0512-сон; 16.01.2019 й., 03/19/516/2484-сон, 2019 й., 2-сон, 47-модда, 24.05.2019 й., 03/19/542/3177-сон, 05.09.2019 й., 03/19/564/3690-сон, 11.09.2019 й., 03/19/566/3734-сон, 30.10.2019 й., 03/19/575/3972-сон; Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон, 19.11.2021 й., 03/21/729/1064-сон; 26.01.2022 й., 03/22/747/0064-сон; 01.06.2022 й., 03/22/772/0460-сон; 12.04.2023 й., 03/23/829/0208-сон

Мазкур қонунда одам савдоси жиноятининг умумий олдини олиш ва профилактикаси чора-тадбирлари қуйидагилардан иборат:

- одам савдоси жиноятининг олдини олиш ва профилактикасига доир давлат дастурларини ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш;

- аҳоли ўртасидаги ҳуқуқий тарғибот;

- одам савдоси жиноятининг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида тақдимномалар киритиш.

Одам савдоси жиноятининг умумий олдини олиш ва профилактикасининг чора-тадбирлари ва усулларини кўплиги уларни тўлиқ таснифлаш ва таҳлил қилиш имконини бермайди. Шу муносабат билан одам савдоси жиноятининг умумий олдини олиш ва профилактикасини амалга оширишда унинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, ҳудудлардаги криминоген вазиятларни чуқур таҳлил этган ҳолда ташкил этилиши ва амалга оширилиши мақсадга мувофиқдир.

Ушбу Қонуннинг 24-моддасида ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси ва уни амалга ошириш асослари белгилаб берилган. Унга кўра, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар ва муассасаларнинг айрим турдаги ҳуқуқбузарликлар профилактикасига, бу турдаги ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни бартараф этишга, айрим тоифадаги шахсларни аниқлаш ва уларга профилактик таъсир кўрсатишга қаратилган махсус тадбирларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишга доир фаолияти ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикасидир.

Ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикасини амалга ошириш учун қуйидагилар асос бўлади:

- айрим турдаги ҳуқуқбузарликларнинг, шахслар тоифаларининг кўпайиши;

- жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига, шахс, жамият ва давлат манфаатларига тажовуз қилувчи хатарлар ва таҳдидларнинг юзага келиши.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, одам савдоси жиноятининг махсус олдини олиш ва профилактикасининг ўзига хос хусусияти унинг қачон ва



қайси вазиятда, қайси ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш учун ўтказилиши билан ажралиб туради.

Одам савдоси жиноятининг махсус профилактикасининг қуйидаги ўзига хос хусусиятлари мавжуд:

- алоҳида кўрсатма, топшириқ ёки буйруқ асосида ташкил этилиши;
- ўтказилиши режалаштирилган тадбирлар алоҳида тоифадаги шахсларга ёки ўғриликларнинг турларига йўналтирилиши;
- асослар вужудга келганда амалга оширилиши. Одам савдоси жиноятининг махсус олдини олиш ва профилактикасини амалга ошириш учун қуйидагилар асос бўлади:
- айрим турдаги одам савдоси жиноятининг, шахслар тоифаларининг кўпайиши;
- жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига, шахс, жамият ва давлат манфаатларига тажовуз қилувчи хатарлар ва таҳдидларнинг юзага келиши.

Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг тегишли буйруқлари асосида одам савдоси жиноятининг махсус олдини олиш ва профилактикаси бўйича бир қанча махсус профилактик тадбирлар ўтказилиши белгиланган. Ўзбекистон Республикасининг “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонунинг 28-моддасига асосан эса, одам савдоси жиноятининг якка тартибдаги профилактикасини қўллаш учун шахснинг ғайриижтимоий хулқ-атворидан, унинг ҳуқуқбузарлик содир этишга мойиллигидан ёхуд у ҳуқуқбузарлик содир этганлигидан далолат берувчи ишончли маълумотларнинг мавжудлиги асос бўлади.

Одам савдоси жиноятининг мажбурловчи ва чекловчи хусусиятдаги якка тартибдаги олдини олиш ва профилактикаси қонунда назарда тутилган асосларда қўлланилади.

Демак якка тартибдаги олдини олиш ва унинг профилактикаси - фуқароларни тарбиялаш тизимининг элементларидан бири бўлиб, инсон ғайриижтимоий хулқнинг энг охириги даражасигача етишига, яъни жиноят қонуни билан тақиқланган қилмишларни содир этишга йўл қўймасликдан иборат чекланган вазифани ҳал қилади.

Одам савдоси жиноятининг якка тартибдаги олдини олиш ва профилактикаси фаолиятини ташкил этишнинг мақсади, одам савдоси жиноятини содир этишга мойил бўлган шахсларни аниқлаш, уларни ўрганиш, таъсир этиш, уларнинг хулқ-атворини ижобий томонга ўзгартириш ҳамда уларга салбий таъсир этувчи шарт-шароитларни бартараф этишга йўналтирилган фаолиятдир.

Одам савдоси жиноятининг олдини олишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 мартдаги “Ўқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2833-сонли қарори¹ билан “Ўқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссияси тўғрисидаги”ги Низом тасдиқланган. Низомга асосан, ўқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича Республика идоралараро комиссияси ўқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишни бевосита амалга оширувчи органлар ва муассасалар фаолиятини мувофиқлаштирувчи орган ҳисобланади.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 июлдаги “Одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5775-сонли Фармони² ҳам қабул қилиниб, ушбу Фармонга асосан Миллий комиссиянинг асосий вазифалари белгилаб берилган.

Юртимизда одам савдосига қарши курашни ташкил этишнинг қатор ташкилий – ўқуқий асослари тизими яратилган бўлсада, одам савдоси жиноятига қарши кураш ва уни олдини олиш борасида қуйдаги ишларни амалга ошириш лозим бўлади:

биринчидан, ЖКнинг 135-моддаси бўйича қўзғатилган жиноят ишларини тергов қилишнинг натижалари юзасидан фаол профилактика ишлари республиканинг тергов органлари томонидан амалга оширилади. Уни содир қилишга кўмак берган жиноятни содир этиш шарт-шароити, сабаби ва ҳолати, олдини олиш мақсадида жабрланувчи ва айбланувчининг иш жойи ва яшаш жойидаги аҳолининг хабардор бўлиши;

иккинчидан, ғайриқонуний миграцияга қарши кураш билан шуғулланувчи юқори профессионал тайёргарликка эга бўлган ходимлар ёрдамида миграцион назоратни кучайтириш, шунингдек, қонунга зид

¹ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 12-сон, 184-модда, 37-сон, 982-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 16.10.2017 й., 06/17/5204/0114-сон, 01.12.2017 й., 06/17/5269/0340-сон, 07.06.2018 й., 06/18/5456/1316-сон, 11.07.2018 й., 06/18/5475/1489-сон, 01.10.2018 й., 06/18/5547/1975-сон, 02.11.2018 й., 06/18/5566/2153-сон; 11.12.2019 й., 06/19/5892/4134-сон; 14.12.2019 й., 06/19/5894/4161-сон; 17.03.2021 й., 06/21/6188/0216-сон; Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 07.07.2021 й., 06/21/6257/0645-сон; 03.12.2022 й., 06/22/258/1064-сон.

² Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 31.07.2019 й., 06/19/5775/4080-сон; 17.03.2021 й., 06/21/6188/0216-сон.



миграция ҳақидаги маълумотлар алмашинувини амалга ошириш мақсадида ушбу органларнинг хорижий давлатларнинг тегишли органлари билан ҳамкорлигини кучайтириш;

учинчидан, одам савдоси билан шуғулланувчи жиноий гуруҳларга Ўзбекистон Республикаси чегараларини тегишли чегара ва божхона назоратисиз кесиб ўтишга имкон берувчи барча хуфёна йўлларни бартараф этиш;

тўртинчидан, ёшларнинг ҳуқуқий ва ахлоқий тарбияси даражасини ошириш орқали мустақил фикрловчи ва ҳаётга комил ишонч билан қаровчи ёшларни тарбиялаш.

Унга кўра:

– фоҳишабозлик, порнография, гиёҳвандлик, алкоголизм, тамаки истеъмоли ва бошқа шу каби иллатларга қарши кураш бўйича профилактик тадбирлар ўтказиш;

– маънавий-маърифий тадбирлар уюштириш;

– спорт тўғараклари ишларини ташкиллаштириш, ўқув юртларида спорт мусобақаларини ўтказиш ва бошқалар орқали соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш имконияти яратилади.

Хулоса сифатида шунини айтиш лозимки, бугунги кунда одам савдосига қарши курашиш ва бундай нохуш воқеаларнинг олдини олиш глобал аҳамият касб этиб, барча ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг янада ўзаро мустаҳкам ҳамкорликда иш олиб боришлари ҳамда кучларини бирлаштириши лозимлигини тақозо этмоқда.

